

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.2019. Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

УЛУҒБОЕВ АХМАДЖОН ЁҚУБЖОНОВИЧ

**НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА СТЕВИЯ
(*STEVIA REBAUDIANA* BERTONI) ДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ
ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

УЎТ: 633.88:577.16+631.5:631.559:631.4 (575.123)

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor ,of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Улуғбоев Ахмаджон Ёқубжонович Наманган вилояти тупроқ иқлим шароитида стевиа (<i>Stevia Rebaudiana bertonii</i>) дан юқори ҳосил етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш.....	3
Улуғбоев Ахмаджон Ёқубжонович Разработка агротехнологии получения высоких урожаев стевиа (<i>Stevia Rebaudiana bertonii</i>) в почвенно-климатических условиях Наманганской области.....	21
Ulugboyev Axmadjon Yoqubjonovich Development of Agrotechnology of growing high yields from stevia (<i>Stevia Rebaudiana bertonii</i>) in soil climatic conditions of the Namangan region.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

УЛУҒБОЕВ АХМАДЖОН ЁҚУБЖОНОВИЧ

**НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ ТУПРОҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА СТЕВИЯ
(*STEVIA REBAUDIANA* BERTONI) ДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ
ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Qx714 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тешаев Шухрат Жўрақулович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Останақулов Тоштемир Эшимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Рузметов Умид Исмаилович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим


Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.05/30.2019. Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «31» «май» 2023 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro/uz


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 145 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37;

Диссертация автореферати 2023 йил «17» май куни тарқатилди.
(2023 йил «17» май № - 1 рақамли реестр баённомаси)



Б.М.Халиков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси в.б., к.х.ф.д., профессор




Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.н., профессор



Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурати. Дунёда ширин таъм берувчи, инсонлар соғлигига зарар етказмайдиган доривор табиий ўсимликлардан фойдаланишга талаб тобора ошиб бормоқда. «Дунёнинг АҚШ, Англия, Франция, Япония, Хитой, жанубий Корея, Россия каби ривожланган мамлакатларида стевия ўсимлиги жами 32,0 минг гектар майдонда етиштириб келинмоқда. Энг йирик етиштирувчи Хитой давлати бўлиб, асосий истеъмол қилувчи давлат эса Япония ҳисобланади»¹. Ўсимлик экстрактининг сувдаги эритмаси таркибида фойдали элементлар жуда кўплиги сабабли, озиқ-овқат маҳсулотларида ва тиббиётда кенг миқёсда ишлатилади.

Жаҳонда стевия ўсимлигининг ёввойи турларини маданийлаштириш, интродукция қилиш, янги навларини яратиш бўйича доимий равишда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, соҳа олимлари томонидан ўсимликни етиштириш агротехнологияси, хусусан, сув, ўғит меъёрлари, мақбул кўчат қалинлиги, касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш ҳамда уруғи ва кўчатидан кўпайтириш юзасидан лаборатория ва дала тажрибалари олиб борилмоқда. Ушбу доривор ўсимликнинг тиббиётда ва фармацевтика саноатида аҳамияти беқиёсдир.

Республикамизга ҳам стевия ўсимлигининг уруғи ва кўчати ўтган асрнинг охирларидан бошлаб хорижий давлатлардан олиб келинган ва тадқиқотчи олимлар томонидан етиштириш технологиясини ўрганиш ишлари давом этмоқда. Сўнгги йилларда дориворлик хусусиятига эга бўлган ўсимликларни етиштириш бўйича Ҳукумат даражасида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»²ги Фармонида қишлоқ хўжалигида доривор экинларни етиштириш ва бу борадаги илмий ишланмалардан кенг фойдаланиш зарур эканлиги юзасидан қатор вазифалар белгиланган. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, айниқса муҳим микронутриентлар билан бойитилган маҳсулотлар, аҳолининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий хом-ашё асосида озиқ-овқат ва доривор маҳсулотлар билан таъминлаш муаммоси тобора ошиб бормоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда мамлакатимизда ноанъанавий интродукция, ўсимликларни иқлимлаштириш ва қишлоқ хўжалигига жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сонли “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва

¹ Top. Document EAQ (SCPFC)

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони

мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги ва 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сонли “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сонли “2015-2020 йиллар даврида республика аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва мазкур қарорларга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширилишига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Стевия ўсимлиги дастлаб маданий ҳолда илмий изланишлар чет эл олимларидан Н.И.Бондарев, М.В.Зимин, Тей-Фу-Чен, В.Ф.Зубенко, И.И.Ильенко, О.Тапака, I.Pakash ва бошқалар томонидан олиб борилган. Мамлакатимизда стевия ўсимлигини 1987 йилда Бутуниттиффоқ ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё филиалига олиб келинган ва бу ўсимликнинг яшил новдасидан илдиз олиниб кўпайтирилган. Ўсимликнинг стевииозид миқдорини аниқлашнинг янги услуби Ю.Узақов, Ю.Ким, Т.М.Дусейнов, Т.К.Дусейнов, Ю.М.Ким, И.В.Белолипов, Ж.Турсунов, М.Рахимов ва Б.Байкабиловлар томонидан ўрганилган.

Ўсимликнинг биологик хусусиятлари, морфологияси, гуллаши, онтогенези, уруғ олиш, уруғдан ва вегетатив кўпайтириш технологияси Ж.Ю.Турсунов, М.М.Рахимов, А.М.Бегматов, Х.Атабеков, И.Белолипов, Б.Байкабилов ва Ҳ.Аллаёровлар томонидан ўрганилган. Бироқ, мамлакатимиз шароитида стевия ўсимлигининг мақбул экиш муддатлари, кўчат қалинликлари ҳамда фосфорли ўғитларга бўлган талаби бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сонли “2015-2020- йиллар даврида республика аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорни 6-иловасига доир бажарилган (2017-2019 йй).

Тадқиқотнинг мақсади. Наманган вилоятининг озика унсурлари билан кам даражада таъминланган оч тусли бўз тупроқлари шароитида стевия ўсимлигидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда мақбул экиш муддатлари, кўчат қалинликлари ҳамда фосфорли ўғитларни қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга илмий асосланган тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экиш муддатлари ва тизимларининг стевия ўсимлиги барг сони ва барг сатҳига ҳамда асосий бош поя баландлиги, ён новдалар шаклланишига ва қуруқ масса тўпланишига таъсирини аниқлаш;

экиш муддатлари ва экиш тизимларининг стевия ўсимлиги амал даврида тўплаган барг ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш;

стевия ўсимлигининг амал даврида ўсиши ва ривожланиши, барг сони, барг сатҳи юзаси ва барг ҳосилдорлигига ҳамда унинг кимёвий сифатига фосфорли ўғит меъёрларининг таъсирини аниқлаш;

стевия ўсимлигини етиштиришда экиш муддатлари ва тизимларининг ҳамда фосфорли ўғит меъёрларини қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти сифатида: Наманган вилоятининг қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари, *Asteraceae* (Қоқиўтдошлар) оиласига қирувчи *Stevia rebaudiana* Bertoni (стевия) ўсимлиги олинган.

Тадқиқот предмети сифатида: стевия ўсимлигининг турли экиш муддатлари ва экиш тизимлари ҳамда фосфорли ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда ўсиши, ривожланиши, барг ҳосилдорлиги, маҳсулот сифатининг шаклланиши ва иқтисодий самарадорлиги олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитларида олиб борилиб, бунда дала тажрибаларини жойлаштириш, ҳисоблаш ва кузатишлар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” асосида, иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов услубий қўлланмалари асосида олиб борилган, олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган.

Илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор Наманган вилоятининг қадимдан суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида доривор стевия ўсимлигининг мақбул экиш муддати (1-15 апрел), экиш тизими ва кўчат қалинлиги (60x15-1 тизимда 111,0 минг туп/га) ҳамда фосфорли ўғитни мақбул ($N_{50}P_{175}K_{50}$) қўллаш меъёри аниқланган;

оч тусли бўз тупроқлар шароитида стевия ўсимлиги 1-15 апрелда, 60x15-1 тизимда гектарига 111,0 минг туп кўчат қолдириб парваришланганда энг юқори (35,1 ц/га) барг ҳосили олишга эришиш мумкинлиги аниқланган;

стевия ўсимлигига $N_{50}K_{50}$ кг/га меъёрларда қўлланилган фонда фосфорли ўғит билан 175 кг/га меъёрда озиклантириш эвазига юқори натижаларга эришилиб, ўсимлик бўйи 105,2 см ни, барглар сони 58,3 донани, барг юзаси 2959 см² ни, унинг қуруқ массаси 11,2 г. ни ва барг ҳосилдорлиги 31,0 ц/га бўлганлиги аниқланган;

фосфорли озиклантириш ҳисобига барг таркибидаги стевиозид миқдори назорат ҳамда фосфорсиз вариантга нисбатан ошиб, ширинлик даражаси 280 ккал ни, намлиги 3,0% ни, стевиозид миқдори 92,0% ни, кул миқдори 0,16% ни, оқсил 11,6% ни, мой 1,5% ни, гликозидлар 39,1% ни, тўқима 15,2% ни ташкил этиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари кўйидагилардан иборат:

Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида доривор стевия ўсимлигини мақбул экиш муддатида (1-15 апрель) 60x15-1 схемада назарий кўчат қалинлиги 111,0 минг/га қолдириб парваришланганда гектаридан 35,1 центнер ҳосил олишга эришилган;

стевиянинг умумий барг ҳосилига фосфорли ўғитлар меъёрининг ижобий таъсири мавжудлиги аниқланиб, энг юқори барг ҳосили (31,0 ц/га) N₅₀K₅₀ кг/га фонда фосфорли ўғитларни 175 кг/га меъёردа қўлланилганда олинган;

стевия экини 1-15 апрелда 60x15-1 схемада кўчат экилиб, назарий 111,0 минг/га кўчат қолдирилган фонда, N₅₀K₅₀ кг/га меъёрдa берилган вариантларда фосфорли ўғитларни гектарига 175 кг меъёрдa қўлланилганда бир гектар майдондан 67,3 млн сўмдан 59,1 млн сўмгача соф даромад олиниб, рентабеллик даражаси 50,2-48,4 % га тенг бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили махсус тузилган комиссия томонидан апробациядан ўтказилганлиги, дала ва лаборатория усулларида фойдаланиб олинган натижаларга математик – статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижалар амалий маълумотларда ўз тасдиғини топганлиги, тажриба натижаларини маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган натижалар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, илмий тадқиқот натижалари бўйича республика ва Халқаро илмий конференцияларида маърузалар қилинганлиги, мақолаларнинг ушбу конференция тўпламларида чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини билдиради.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида стевия ўсимлигининг мақбул экиш муддати, кўчат қалинлиги ва озиклантиришда фосфорли ўғитни қўллашнинг мақбул меъёрлари аниқланиб, ушбу агротадбирларнинг ўсимлик барг юзаси, поя баландлиги, барг сони, ҳосилдорлиги ва баргининг кимёвий таркибига таъсири илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти, Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида стевия ўсимлигидан юқори ва сифатли барг ҳосили олиш учун мақбул кўчат қалинлиги ва экиш муддати ҳамда фосфорли ўғитлар қўллашнинг мақбул меъёрлари ишлаб чиқилгани ва амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлар шароитида доривор ўсимлик стевиянинг барг ҳосилини оширишда мақбул экиш муддатлари, тизимлари, кўчат қалинликлари ва фосфорли озиклантириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“Стевия (*Stevia rebaudiana* Bertoni) дан юқори ҳосил етиштириш агротехнологияси” бўйича тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон

Республикаси кишлок хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 15-декабрдаги №07/21-9389- сонли маълумотномаси). Ушбу тавсияномани амалиётга қўллаш натижасида стевия ўсимлигини етиштирувчи фермер хўжаликларида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда;

стевияни етиштириш агротехнологияси Наманган вилоятининг Уйчи тумани “Улуғбек” фермер хўжалигида 2,0 га, “Ғолиб” фермер хўжалигида 1,0 га, “Боягон нури ипакчиси” фермер хўжалигида 1,5 га жами 4,5 гектарда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 15-декабрдаги №07/21-9389- сонли маълумотномаси). Натижада, стевия ўсимлиги апрель ойининг биринчи ярмида (1-15 апрель) экилиб, N₅₀K₅₀ фонида фосфорли ўғитлар 175 кг/га меъёрда қўлланганда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, асосий поя баланлиги, ён шохларининг ва умумий барг сатҳи юзасининг шаклланиши юқори бўлиб, 32,2 ц/га ҳосил олинган;

стевияни ўрмон хўжаликларида етиштириш агротехнологияси 8,1 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси кишлок хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 15-декабрдаги №07/21-9389- сонли маълумотномаси). Натижада, стевия ўсимлигидан 31,8 ц/га ҳосил олинган, рентабеллик даражаси 53,5 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланиб, ҳисоботлар ҳар йили институтнинг Илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича жами 5 та, шундан 1 маротаба республика ҳамда 4 маротаба халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши бўйича жами 9 та мақолалар нашр этилган, шундан илмий нашрларда 3 та мақола, ундан 2 та мақола республика илмий журналларида ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган. Шунингдек, 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган илмий изланишларнинг долзарблиги, аҳамияти ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шархи**” номли биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари, дунёдаги етакчи олимлар илмий ишларининг натижалари, яъни стевия ўсимлигининг аҳамияти, турли минтақалар тупроқ-иқлим шароитида олиб борилган илмий тадқиқотларда стевия ўсимлигининг биоэкологик хусусиятлари бўйича олинган маълумотлар баён этилган. Лекин, Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитида стевияни турли экиш тизимлари асосида парваришlash ва ундан юқори ҳосил олиш, парвариш қилинаётган экинларда минерал ўғитларни қўллашнинг мақбул муддатлари ва меъёрлари бўйича аниқ илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилмаганлиги ҳамда илмий изланишлар олиб борилиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг “**Тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари ва ўтказиш услублари, стевия ўсимлигининг биологик тавсифи ва ўтказилган агротехник тадбирлар**” деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек, тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Дала тажрибалари Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги “Улуғбек” фермер хўжалигида ўтказилиб, тажриба даласи оч тусли бўз тупроқлардан иборат эканлиги, тупроғининг механик таркиби ўртача кумоқ, қадимдан суғориладиган, шўрланмаган, рН муҳити 6,5-7,0 га тенг бўлиб, ўртача нейтрал муҳитга эгаллиги қайд этилган. Тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида, баъзи жойларида эса 60-70 см чуқурликда кумлоқ қатлам мавжуд эканлиги кўрсатиб ўтилган. Тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида чиринди миқдори – 1,122 %, умумий азот – 0,126 % ва умумий фосфор 0,159% га, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида эса гумус миқдори 0,812%, умумий азот 0,081%, фосфор 0,105%, NO_3 15,9-8,6; P_2O_5 14,0-5,8 ва K_2O 190,0-176,0 мг/кг ни ташкил этиши ва дала тупроғи озика унсурларининг ҳаракатчан шакллари билан кам ва жуда кам даражада таъминланганлиги хулоса қилинган. Сизот сувлари ер юзасидан 7-12 метр чуқурликда жойлашган.

Тадқиқот олиб борилган йилларда Наманган вилояти шароитида нисбатан паст ҳарорат ўртача $0,7^{\circ}\text{C}$ январь ойида бўлганлиги кузатилган. Январь ойида айрим кунлари ҳаво ҳароратининг $-1,5-1,8^{\circ}\text{C}$ гача пасайиб кетиши ҳам кузатилганлиги кўрсатиб ўтилган. Вилоятда нисбатан юқори ҳаво ҳарорати эса ўртача $35,0^{\circ}\text{C}$ июль ойида қайд этилган. Айрим кунлари ҳаво ҳарорати $42,0-45,0^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши кузатилган. Тадқиқот олиб борилган йиллари ёғингарчилик миқдори вилоятнинг ўртача кўрсаткичига, йиллик ёғингарчилик миқдори эса кўп йиллик ўртача кўрсаткичларга яқин бўлган.

Ноябрь ойида жами ёғингарчилик миқдори ўртача 46,8 мм ни, январь ойида ўртача 38,3 мм ни ташкил этган бўлса, июль ойида ўртача ёғингарчилик миқдори 1,7 мм ни ташкил этган. 2018-2019 йилларнинг август ва сентябрь ойларида эса ёғингарчилик деярли кузатилмаган. Дала тажрибалари иккита тизим асосида олиб борилган. Биринчи дала тажрибасида стевия ўсимлигини уч хил экиш муддатлари, икки хил кўчат

қалинликлари ва экиш тизимларида ўрганилган бўлса, иккинчи дала тажрибасида фосфорли ўғитлар меъёрини стевия ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири аниқланган.

Тажрибада фенологик кузатувлар ЎзПИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” асосида, барг сатҳи юзаси ва бир гектар майдондаги умумий барг сатҳи юзаси А.А.Ничипорович, биологик маҳсулдорлик кўрсаткичи И.С.Шатилов ва М.К.Каюмов усуллари ҳамда ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотларни Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмаси бўйича аниқланган.

Диссертациянинг **“Стевия ўсимлигини ўсиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва кўчат қалинлигининг таъсири”** деб номланган учинчи бобида экиш муддатлари ва кўчат қалинлигининг ўсимликнинг асосий пояси баландлиги, барглари сони ва барг сатҳи юзаси ҳамда шаклланиши, барг ҳосилига таъсири бўйича олинган кузатув натижалари келтирилган.

Стевия ўсимлиги морфо-биологик хусусиятларига кўра иссиқ ва ёруғликка талабчан ўтсимон ўсимлик бўлиб, асосан суғориладиган шароитда етиштирилиши қайд этилган. Бу экиндан барқарор юқори ва сифатли ҳосил етиштириш ҳамда унинг нормал ўсиши ва ривожланишининг мақбул кечиши учун қулай шароит яратилиши лозим. Ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш жараёни, унда кечадиган физиологик жараёнлар ўсимликнинг асосий поя баландлигида намоён бўлади деб хулоса қилинган.

Таҳлилларда турли экиш муддатлари ва кўчат қалинлиги стевия ўсимлигининг асосий поя баландлигига таъсир этиши қайд қилинган бўлиб, бунда, асосий поя баландлиги бўйича нисбатан энг юқори кўрсаткич 114,0 см.ни, стевия кўчати эрта муддатларда, яъни апрель ойининг биринчи ярмида (1-15 апрель), 60x20-1 схемада экилган вариантда кўчат қалинлиги 83,0 минг/га қолдирилганда кузатилди. Шу муддатда 60x15-1 схемада кўчат экилиб, кўчат қалинлиги 111,0 минг туп/га қолдирилганда ўсимликнинг поя баландлиги 107,7 см ни ташкил этган ва бу 60x20-1 схемада экилган вариантга нисбатан 6,3 см га паст бўлганлиги ёритилган.


Бунда, кўчат қалинлиги ошиб бориши билан, стевия ўсимлигининг озикланиш майдони камайганлиги ва тез натижада илдиш ва поянинг меъёрда ўсишини чегараланиши ҳисобига пастроқ натижалар олинганлиги қайд этилган.

Стевия ўсимлигини апрель ойининг иккинчи ярмида, яъни 15-30 саналарида экилган учинчи вариантда ҳам ўсимликнинг асосий поя баландлиги бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар назарий кўчат қалинлиги ўртача 83,0 минг/га қолдирилган вариантлардан олиниб, бу кўрсаткич 109,7 см га тенг бўлган. Лекин, кўчат қалинлиги 111,0 минг/га қолдирилган вариантда поя баландлиги мос равишда 105,3 см ни ташкил этган ҳолда 4,4 см га пастроқ бўлганлиги қайд этилган (1-расм.).

Тадқиқотнинг охири муддати, яъни май ойининг биринчи ярми (1-15 май) да экилган вариантда ўсимликнинг асосий поя баландлиги бўйича нисбатан юқори кўрсаткич кўчат қалинлиги 83,0 минг туп/га бўлган бешинчи вариантда бўлиб, мос равишда 107,0 см га тенг бўлганлиги қайд этилган.

Кўчат қалинлиги 111,0 минг туп/га бўлган олтинчи вариантда поя баландлиги мос равишда 103,3 см ни ташкил этиб, биринчи кўчат қалинлигига нисбатан 3,7 см га пастроқ бўлганлиги кўрсатиб ўтилган.

Стевиянинг махсулдорлик кўрсаткичи, яъни бир дона ўсимликнинг биологик массаси вариантлар бўйича 105,7-133,5 г/ўсимликни ташкил этган. Бир дона ўсимликнинг массаси бўйича нисбатан паст кўрсаткич (105,7 г/ўсимлик) кўчат нисбатан кеч муддатларда, яъни май ойида экилиб, кўчат қалинлиги 111,0 минг туп/га бўлган шароитда кузатилган.



1-расм. Турли экиш муддатлари ва кўчат қалинлигида парваришланган стевия ўсимлиги асосий поя баландлигининг ўзгариши, см, 2017-2019 йй.

Бир дона ўсимликнинг массаси бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар стевия ўсимлиги эрта муддатларда апрель ойининг биринчи ярмида (1-15 апрелда) экилиб, кўчат қалинлиги 83,0 минг туп/га қолдирилган шароитда олинган ва бу кўрсаткич 133,5 г/ўсимликка тенг эканлиги қайд этилган. Стевияда қуруқ масса шаклланиши маълум даражада қўлланилган агротехник омилларга, шу жумладан экиш муддатларига боғлиқлиги кузатилган.

Тажрибада бир дона стевия ўсимлигининг қуруқ массаси вариантлар бўйича 43,8-34,4 г/ўсимликни ташкил этган. Бир дона ўсимликнинг қуруқ массаси бўйича нисбатан паст кўрсаткичлар 34,4 г/ўсимлик экиш нисбатан кеч муддатларда, яъни 1-15 майда амалга оширилиб, кўчат қалинлиги 111,0 минг туп/га қолдирилганда кузатилган. Бир дона ўсимликнинг қуруқ вазни бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар 43,8 г/ўсимлик экиш нисбатан эрта муддатларда (1-15 апрелда) амалга оширилиб, кўчат қалинлиги 83,0 минг туп/га қолдирилган шароитда олинганлиги қайд этилган (1-жавдвал).

Тажрибада бир дона стевия ўсимлигининг қуруқ барг вазни бўйича ҳам нисбатан паст кўрсаткичлар 8,8 г/ўсимлик экиш нисбатан кеч, яъни 1-15 май муддатида амалга оширилиб, кўчат қалинлиги 111,0 минг туп/га бўлганда олинган. Бир дона ўсимликдаги барглarning қуруқ массаси бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар, экиш 1-15 апрелда амалга оширилиб, кўчат қалинлиги 83,0 минг туп/га қолдирилганда олинган ва бу кўрсаткич 11,2 грамм/ўсимлик ни ташкил этган. Суғориладиган шароитда стевия ўсимлигининг кўчатларини эрта муддатларда сифатли экилиши ва ўртача 80-85 минг туп/га кўчат қолдириш стевия ўсимлигининг маҳсулдорлигини ва бир дона ўсимликнинг массасини юқори бўлишини таъминлагани хулоса қилинган.

1-жадвал

Экиш муддатлари ва кўчат қалинлигини стевия ўсимлигининг бир дона ўсимлик массасига таъсири, 2017 й

Вар. Тар.	Экиш муддатлари	Назарий кўчат қалинлиги, минг туп/га	Биологик ҳўл масса, г/ўсимлик	Қуруқ масса, г/ўсимлик	
				умумий	барг
1	1-15 апрел	83	133,5	43,8	11,2
2		111	118,2	38,4	9,7
3	15-30 апрел	83	128,6	40,2	10,5
4		111	113,1	36,8	9,2
5	1-15 май	83	117,4	37,1	9,4
6		111	105,7	34,4	8,8

Тажрибада стевия ўсимлигида 1 п/м майдонда шаклланган барг массаси вариантлар бўйича 0,21-0,35 кг п/м ни ташкил этган. Стевия ўсимлигида 1 п/м майдонда шаклланган барг ҳосили бўйича энг паст кўрсаткич 0,21 кг/п/м кўчат май ойининг биринчи ярмида экилиб, кўчат қалинлиги нисбатан юқори 111,0 минг туп/га қолдирилган вариантларда кузатилган. Тажриба майдони бирлигида, яъни 1 п/м майдонда шаклланган барг массаси бўйича нисбатан юқори кўрсаткич кўчат эрта, яъни апрель ойининг биринчи ярмида (1-15 апрелда) экилиб, кўчат қалинлиги 111,0 минг туп/га қолдирилган вариантда қайд этилиб, 0,35 кг/п/м ни ташкил этган.

Ўсимликнинг барг ҳосили биринчи муддатда 111,0 минг туп/га кўчат қолдирилган вариантда нисбатан юқори бўлган (35,1 ц/га) ҳолда иккинчи экиш муддатида бу кўрсаткич ўртача 32,9 ц/га (- 2,9 ц/га) камайган. Лекин, бу экиш муддатида ҳам кўчат қалинлиги 111,0 минг туп/га эканлигида кузатилиб, 83,0 минг туп/га нисбатан 4,6 ц/га юқори барг ҳосили олинган.

Тажрибада кўчат экишни май ойининг биринчи ярмида ўтказилган 5-6 вариантларда биринчи экиш муддатига нисбатан камроқ барг ҳосили олинган. Бунда, кўчат қалинлиги 83,0 минг туп/га қолдирилган вариантларда 3 йилда ўртача барг ҳосили 26,0 ц/га ни ташкил этган ҳолда, кўчат қалинлиги 111,0 минг туп/га қолдирилганда ҳосил миқдори камайиб, 21,3 ц/га ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар мақбул ҳисобланган иккинчи вариантдан мутаносиб равишда 9,1 – 13,8 ц/га камлиги аниқланган.

Шу бобнинг охирги саҳифасида Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида доривор стевия ўсимлигидан юқори барг ҳосили олиш учун кўчатларни апрель ойининг биринчи (1-15) қисмида, 60x15-1 тизимда экиш ва кўчат қалинлигини ўртача 111,0 минг туп/га қолдириб парваришлаш, агарда об-ҳавонинг ноқулай келганлиги сабабли май ойида кўчат экишга тўғри келса, гектарига 83,0 минг туп кўчат қолдириш мақсадга мувофиқлиги хулоса қилинган.


Диссертациянинг «**Фосфорли ўғит меъёрларининг стевия ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида, фосфорли ўғитларни қўллашнинг Стевия асосий поя баландлиги ва ён новдаларининг шаклланиши, барглар сони ва умумий барг сатҳи юзаси, ўсимлик қуруқ масса тўплаши, ҳосилдорлиги, ўсимлик таркибидаги стевиозид сифатига таъсири ҳамда ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Тажрибада минерал ўғитлар қўлланилган барча вариантларда асосий поя баландлиги минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан юқори бўлиши кузатилган. Тадқиқот олиб борилган барча йиллари стевия ўсимлигининг асосий поя баландлиги бўйича энг паст кўрсаткич минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантлардан олинган. Стевия ўсимлигининг асосий поя баландлиги тажрибанинг дастлабки 2017 йилида минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыда 92,0 см ни, минерал ўғитлар $N_{50}P_{175}K_{50}$ кг/га нисбат ва меъёрларда қўлланилган вариантда бу кўрсаткич 105,0 см ни, $N_{50}P_{150}K_{50}$ кг/га қўлланилганда 101,0 см ни, $N_{50}K_{50}$ кг/га меъёрларда қўлланилган вариантда эса 96,0 см ни ташкил этганлиги кўрсатиб ўтилган.

Тажрибанинг иккинчи йили, яъни 2018 йилда минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантда ўсимлик бўйи ўртача 90,0 см ни, минерал ўғитлар $N_{50}P_{175}K_{50}$ кг/га меъёр ва нисбатларда қўлланилган иккинчи вариантда 104,0 см ни, $N_{50}P_{150}K_{50}$ кг/га қўлланилган вариантда 98,0 см ни ва фақат $N_{50}K_{50}$ кг/га қўлланилган вариантда ўсимлик бўйи 94,0 см ни ташкил этганлиги қайд қилинган.

Тажрибанинг охирги йили (2019 йил)да ҳам шунга ўхшаш натижалар олиниб, назорат вариантыда ўсимлик бўйи 93,0 см ни, минерал ўғитлар $N_{50}P_{175}K_{50}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантда 107,0 см ни, $N_{50}P_{150}K_{50}$ кг/га қўлланилган вариантда 103,0 см ни ва $N_{50}K_{50}$ кг/га берилган тўртинчи вариантда поя баландлиги 97,0 см ни ташкил этган (2-расм). Тажриба олиб борилган барча йилларда стевия ўсимлигининг асосий поя баландлиги бўйича нисбатан юқори кўрсаткичлар, минерал ўғитлар тўлиқ қўлланилган вариантларда, шу жумладан фосфорли ўғитлар 175 кг/га меъёрда қўлланилган вариантларда қайд этилган.

Тажрибада стевия ўсимлигининг барглар ўлчами бўйича энг паст кўрсаткичлар минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыда қайд этилган. Назорат вариантыда стевия ўсимлиги баргининг эни 35,0 мм га, баргнинг узунлиги 76,0 мм га тенг бўлган. Азот ва калийли ўғит билан бирга фосфорли ўғит 175 кг/га меъёрда қўлланилган вариантда баргнинг эни 47,0 мм ни, унинг узунлиги 98,0 мм ни ташкил этиб, энг юқори натижалар олинган.




2-расм. Фосфорли ўғит меъёрларини стевия ўсимлигининг поя баландлигига таъсири

Фосфорли ўғитлар 150 кг/га меъёрда қўлланилган 3-вариантда ўсимлик баргининг эни 45,0 мм ни, узунлиги 94,0 мм га тенг бўлиши кузатилган. Фосфорли ўғитлар умуман қўлланилмай фақат N₅₀K₅₀ кг/га меъёрларда берилган 4-вариантда эса баргнинг эни 39,0 мм га, узунлиги 85,0 мм га тенг бўлиши кузатилган (3-расм).

Ушбу бўлимда фосфорли озиклантириш стевия ўсимлигида барглар ўлчамига, баргларнинг катта, кичик бўлишига, ҳар бир баргнинг эни ва узунлигига маълум даражада таъсир этиши қайд этилган. Стевия экини баргларининг ўлчами йирик, андоза талабларига тўлиқ жавоб берадиган бўлишини таъминлаш учун мавсум давомида ўсимликни минерал озикаларга, шу жумладан фосфорли озикаларга бўлган эҳтиёжини қондириш лозимлиги хулоса қилинган.

Минерал ўғитларнинг стевия ўсимлигида умумий барг сатҳининг шаклланишига таъсири ўрганилганда, минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыда ўсимликларнинг умумий барг сатҳи 20,1 минг м²/га га, фақат N₅₀K₅₀ кг/га қўлланилиб, фосфор берилмаган тўртинчи вариантда бу кўрсаткич 26,4 минг м²/га га тенг бўлган. Фосфор 150 кг/га меъёрда берилган учинчи вариантда ўсимликларнинг умумий барг сатҳи 30,1 минг м²/га га тенг бўлган. Азот ва калий ўғити билан фосфор 175 кг/га меъёрда қўлланилган иккинчи вариантда ўсимлик умумий барг сатҳи 32,4 минг м²/га ни ташкил этиб, фосфорли ўғитларни қўллаш ҳисобига назорат вариантыга нисбатан 3,7-6,0 минг м²/га гача барг сатҳи кўп бўлган.



3-расм. Фосфорли озиклантиришни стевия ўсимлигининг барглар ўлчамига таъсири, 2017 й

Тажрибада минерал ўғитлар ҳисобига стевиянинг умумий барг сатҳи 6,3-12,3 минг м²/га ортиши қайд этилган. Айниқса, фосфорли озиклантиришни ўсимликнинг умумий барг сатҳини шаклланишига ижобий таъсир этиши аниқланган.

Тажрибаларда минерал озиклантиришни ўсимликнинг барг ҳосилдорлигига ижобий таъсир этиши кузатилган. Минерал ўғитлар қўлланилган барча вариантларда ўсимликнинг барг ҳосилдорлиги минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан юқори бўлиши аниқланган.

Тажрибада стевия экиннинг барг ҳосилдорлиги минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыда 18,6 ц/га ни ташкил этган бўлса, энг юқори кўрсаткич (32,0 ц/га) N₅₀P₁₇₅K₅₀ кг/га меъёрларда қўлланилган вариантда қайд этилган. Бу кўрсаткич ўз навбатида назорат вариантыга нисбатан 14,4 ц/га, фосфорли ўғити қўлланилмаган вариантга нисбатан 5,7 ц/га кўп бўлиши изоҳлаб ўтилган.

Фосфорли ўғитлар 150 кг/га меъёрда қўлланилганда ҳосилдорлик 28,1 ц/га ни ташкил этган ва назорат вариантыга нисбатан 9,5 ц/га, фосфорли ўғитлар қўлланилмаган вариантга нисбатан 1,8 ц/га қўшимча ҳосил етиштирилган. Фосфорли ўғитлар қўлланилмай фақат N₅₀K₅₀ кг/га меъёрларда ўғитлар қўлланилган вариантда ҳосилдорлик 26,3 ц/га ни ташкил этган. Минерал ўғитлар ҳисобига назоратга нисбатан 7,7 ц/га қўшимча ҳосил етиштирилган.

Назорат вариантыда стевия ўсимлиги ҳосилдорлиги такрорланишлар бўйича 2017 йил шароитида мутаносиб равишда 18,1; 19,0; 17,8 ва 19,5 ц/га ни ташкил этган. Стевия ўсимлигининг барг ҳосилдорлиги такрорланишлар бўйича катта фарқланмаган. Йиллар бўйича олинган ҳосилдорлик

маълумотларига кўра, назорат вариантыда 3 йилда ўртача барг ҳосили 16,5 ц/га ни ташкил этган. Барча ўрганилаётган вариантларда ҳосилдорлик кўрсаткичи назорат вариантыга нисбатан юқори бўлган. Минерал ўғитлардан фақат азотли ва калийли ўғитлар қўлланилиб, фосфорли ўғитлар қўлланилмаган шароитда стевия ўсимлигининг ўртача ҳосилдорлиги 24,3 ц/га ни ташкил этган ва назорат вариантыга нисбатан фарқ 7,8 ц/га га юқори бўлган (2-жадвал).

2-жадвал

Стевия ўсимлигининг фосфорли ўғит меъёрларига боғлиқ ҳолда барг ҳосили, ц/га

Вар рақ.	Тажриба вариантлари	Йиллар			3 йилда ўртача ҳосил, ц/га	Қўшимча ҳосил
		2017	2018	2019		
1	Назорат	18,6	15,9	15,0	16,5	-
2	N ₅₀ P ₁₇₅ K ₅₀	32,5	30,7	29,8	31,0	14,5
3	N ₅₀ P ₁₅₀ K ₅₀	28,7	28,0	27,6	28,1	11,6
4	N ₅₀ K ₅₀	26,5	23,4	23,0	24,3	7,8
	HCP ₀₅ =	1,13	0,88	0,77	ц/га	
	Sx =	4,25	3,61	3,03	%	


Тажрибада стевия ўсимлигининг барг ҳосили бўйича (3 йилда ўртача) нисбатан юқори (31,0 ц/га) ҳосилдорлик N₅₀P₁₇₅K₅₀ кг/га меъёрларда минерал ўғитлар қўлланилган иккинчи вариантда кузатилган. Бу вариантда ўртача ҳосил назоратдан 14,5 ц/га юқори бўлган ҳолда фосфорли ўғит ҳисобига 6,7 ц/га қўшимча олинган. Минерал ўғитлар N₅₀P₁₅₀K₅₀ меъёрда қўлланилган вариантда барг ҳосили йиллар бўйича 28,7; 28,0 ва 27,6 ц/га ни ташкил этган ва 3 йиллик ўртача ҳосилдорлик 28,1 ц/га тенг бўлган. Бунда фосфорли ўғитларни 175 кг/га меъёрда қўлланилган вариантга нисбатан 2,9 ц/га кам ҳосил олинган.

Тажрибаларда минерал озиқлантириш стевия ўсимлигининг кимёвий таркибига сезиларли таъсир кўрсатганлиги баён қилинган. Тажрибада барг таркибидаги оқсил, мой, гликозидлар миқдори минерал ўғитлар қўлланилган барча вариантларда назорат вариантыга нисбатан юқори бўлиши кузатилган. Минерал ўғитлар N₅₀P₁₅₀K₅₀ кг/га меъёрда қўлланилган шароитда стевия барги таркибидаги оқсил ва гликозид миқдори 10,1-38,0% ни, минерал ўғитлар N₅₀P₁₇₅K₅₀ кг/га меъёрда қўлланилган шароитда эса мос равишда 11,6-39,1% ни ташкил этган. Минерал озиқлантириш ҳисобига стевия ўсимлиги таркибидаги оқсил ва гликозид миқдори 2,2-4,2 ва 17,8-19,3% га ортиши қайд этилган (4-расм).

Стевия ўсимлигининг ўзига хос хусусиятларидан бири, ўсимлик барги таркибида Са, Р, Mg, К ва Fe микро элементларининг мавжудлигидир. Минерал ўғитлар қўлланилган барча вариантларда минерал моддалар миқдори назорат вариантыга нисбатан юқори бўлиши кўрсатилган.

Стевия барги таркибидаги кальций миқдори бўйича энг юқори (2330 мг/100 г) кўрсаткич минерал ўғитлар N₅₀P₁₇₅K₅₀ кг/га меъёрда қўлланилган

вариантда кузатилган. Тажрибада стевия таркибидаги фосфор ва калий миқдорлари бўйича нисбатан паст кўрсаткичлар (390 мг/100 г) ва (1450 мг/100 г) назорат вариантыда қайд этилган. Минерал ўғитлар қўлланилган вариантларда стевия таркибидаги фосфор миқдори 520-600 мг/100 г. ва 1710-1850 мг/100 г. га тенг бўлган.



4-расм. Стевияни фосфорли минерал ўғитлар билан озиклантирилганда баргининг кимёвий таркиби (%), 2017 й

Шунингдек, тадқиқотларда стевия ўсимлиги барги таркибида С, В₁, В₂, РР витаминлари муҳим сифат кўрсаткичларидан бири эканлиги қайд этилиб, минерал ўғитлар қўлланилган барча вариантларда витаминлар С, В₁, В₂, РР миқдори назорат вариантыга нисбатан юқори бўлганлиги кўрсатиб ўтилган. Бинобарин, назорат вариантыда витамин “С” миқдори 6,9 мг/100 г, “В₁” миқдори 7,5 мг/100 г, “В₂” миқдори 30,5 мг/100 г, “РР” миқдори 3,5 мг/100 г бўлган бўлса, минерал ўғитлар N₅₀P₁₇₅K₅₀ кг/га қўлланилган вариантларда “С” миқдори (8,1-9,5 мг/100 г), “В₁” миқдори (10,3-12,0 мг/100 г), “В₂” миқдори (35,6-37,0 мг/100 г), ташкил этиб, энг юқори натижалар олинган. Ушбу бобнинг сўнгги саҳифасида суғориладиган оч тусли бўз тупроқларнинг Р₂О₅ билан жуда кам (14,0 мг/кг) даражада таъминланган шароитида стевия ўсимлигидан юқори барг ҳосили етиштириш учун фосфорли ўғитларни N₅₀K₅₀ кг/га фонида 175 кг/га меъёردа қўллаш кераклиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг “Экиш муддатлари, кўчат қалинликлари ва фосфорли ўғитларни қўллашнинг стевия ўсимлигидаги иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бешинчи бобида, экиш муддатлари ва кўчат қалинликлари ҳамда фосфорли ўғитларни қўллашнинг стевия ўсимлигидаги иқтисодий самарадорликлари бўйича маълумотлар келтирилган. Бунда, стевия етиштиришда 1 га майдон ҳисобига олинган соф даромад бўйича энг паст кўрсаткич (38 млн. 890 минг сўм/га) кўчатлар асосан кеч муддатларда, яъни май ойининг биринчи ярмида экилган вариантда қайд этилган. Кўчатлар апрел ойининг иккинчи ярмида экилиб, гектарига 83,0 минг туп қолдирилган

вариантда стевия етиштиришдан олинган соф даромад 62 млн. 770 минг сўм/га ни ташкил этган.

Тажрибада энг юқори иқтисодий самарадорлик (67 млн. 330 минг сўм/га) кўчат апрел ойининг биринчи ярмида экилиб, кўчат қалинлиги 111,0 минг/га қолдирилган вариантлардан олинганлиги қайд этилган.

Тажрибада рентабеллик даражаси бўйича нисбатан паст кўрсаткич (38,5%) кўчатлар май ойининг биринчи ярмида экилган вариантда қайд этилган. Апрель ойининг иккинчи ярмида кўчатлар экилган вариантда рентабеллик даражаси 48,6% ни ташкил этган. Рентабеллик даражаси бўйича энг юқори кўрсаткич (50,2%) ҳам кўчатлар эрта муддатларда, апрел ойининг биринчи ярмида экилиб, кўчат 111,0 минг/га қолдирилган вариантдан олинганлиги баён қилинган.

Фосфорли ўғитларни қўллашнинг иқтисодий самарадорликлари бўйича олинган маълумотларда, рентабеллик даражаси бўйича нисбатан паст кўрсаткич (27,8%) минерал ўғитлар қўлланилмаган назорат вариантыда қайд этилган. Фосфорли ўғитлар қўлланилмаган, фақат $N_{50}K_{50}$ кг/га ўғитлар солинган вариантда рентабеллик даражаси 41,7% ни ташкил этган. Рентабеллик даражаси бўйича энг юқори кўрсаткич $N_{50}P_{175}K_{50}$ кг/га меъёрларда қўлланилган вариантдан олиниб, мос равишда 48,4% ни ташкил этган.

ХУЛОСАЛАР

1. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида стевия ўсимлигининг баравж ўсиб-ривожланиши ва юқори барг ҳосили беришига кўчат экиш муддатлари, экиш схемаси ҳамда фосфорли ўғитни мақбул қўллаш меъёрига боғлиқлиги аниқланди. Стевия кўчатлари апрель ойининг биринчи ярмида (1-15 апрел), 60x20-1 схемада экилиб, ўртача кўчат қалинлиги 83,0 минг/га қолдирилганда асосий поя баландлиги 114,0 см ни ташкил этган бўлса, шу муддатда, 60x15-1 схема билан 111,0 минг/га кўчат қолдирилганда поя баландлиги ўртача 107,7 см ни ташкил этиб, 83,0 минг/га кўчат қолдирилганга нисбатан 6,3 см га пастроқ бўлганлиги аниқланди.

2. Стевия ўсимлиги 1-15 апрель санасида, 60x20-1 схемада экилиб, кўчат 83,0 минг/га қолдирилганда, бир ўсимликда барг сатҳи юзаси ўртача 2983 см² га, кўчат қалинлиги 111,0 минг/га қолдирилганда эса 2653 см² га тенг бўлди. Стевияни май ойининг биринчи ярмида (1-15 май) экиб, ўртача 83,0 минг/га кўчат қолдирилганда бу кўрсаткич мос равишда 2573 см² ни, 111,0 минг/га қолдирилганда эса 2293 см² ни ташкил этди. Бироқ, бир гектар ҳисобига юқори барг сатҳи юзаси (24,4 минг м²/га) 1-15 апрелда кўчат экилиб, кўчат қалинлиги 111,0 минг/га қолдирилган вариантлардан олинганлиги аниқланди.

3. Стевия ўсимлигининг яшил барг ҳосили биринчи экиш муддатида (1-15 апрел) ўртача 111,0 минг/га кўчат қолдирилганда олиниб, мос равишда 35,1 ц/га ни ташкил қилган ҳолда назорат вариантыдан 5,1 ц/га юқори бўлганлиги аниқланди. Бу кўрсаткич экишнинг иккинчи (16-апрель, 1-май) муддатида 2,9 ц/га кўпроқ бўлганлиги ҳам қайд этилди. Тажрибада энг кам барг ҳосили (21,3 ц/га), учинчи экиш (1-15 май) муддатида кўчат қалинлиги 83,0 минг/га қолдирилган вариантдан олинганлиги аниқланди.

4. Стевия ўсимлигининг мақбул ўсиб, ривожланиши ва барг сатҳи ҳосил қилиши учун мавсум давомида минерал озикага ва айниқса фосфорли ўғитга талаби юқори эканлиги аниқланди. Фосфорли ўғитлар $N_{50}K_{50}$ кг/га фонида 150 кг/га меъёрда қўшиб қўлланилганда ўсимлик баргининг эни 45,0 мм ни, узунлиги 94,0 мм ни ташкил этган бўлса, P_{175} кг/га микдорида қўлланилганда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 47,0 ва 98,0 мм га тенг бўлганлиги кузатилди.

5. Ўсимликнинг ён новдалар сони бўйича юқори кўрсаткичлар $N_{50}P_{175}K_{50}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда 57 дона бўлганлиги кузатилиб, фосфорли ўғит меъёри 150 кг/га камайтирилганда ён новдалар сони 4 донага камайиб, 43 донани ташкил этган бўлса, азот ва калий ўғитлари фонида 46 донагача камайган. Ўсимликнинг биологик қуруқ массаси назоратда 90,3 г. ни, фақат $N_{50}K_{50}$ кг/га қўлланилган фонида 108,5 г. ни, бу фонга фосфорли ўғитни 150 кг/га меъёрида қўлланилганда 121,3 г. ни, азот ва калийли ўғитлар билан гектарига 175 кг/га фосфор қўлланилганда энг юқори (133,5 г) натижага эришилганлиги маълум бўлди.

6. Тадқиқотларда фосфорли ўғитлар билан озиклантиришнинг стевия ўсимлиги умумий барг ҳосилига ижобий таъсир этиши аниқланди. Ўсимликнинг барг ҳосили бўйича 3 йилда нисбатан юқори кўрсаткичлар (31,0 ц/га) $N_{50}K_{50}$ кг/га фонида фосфорли ўғитни 175 кг/га меъёрда қўлланилганда олинди ва назоратга нисбатан 14,5 ц/га, фақат $N_{50}K_{50}$ кг/га ўғит қўлланилган вариантдан эса 6,7 ц/га қўшимча барг ҳосили олишга эришилди. Фосфорли ўғитлар 150 кг/га меъёрда қўлланилганда ҳосилдорлик 28,1 ц/га, $N_{50}K_{50}$ кг/га фонида эса 24,3 ц/га ни ташкил этди.

7. Фосфорли озиклантиришнинг стевия барги таркибидаги С, В, V_2 ва РР витаминларининг микдорида ҳамда кимёвий таркибидаги қуруқ моддалар, яъни оксил, мой, тўқима ва гликозидларнинг тўпланишига ижобий таъсири бўлганлиги кузатилди. Бунда, ўсимлик барги таркибидаги нисбатан юқори С витамини 9,5 мг/100 г ни, В витамини 12,0 мг/100 г ни, V_2 витамини 37,6 мг/100 г ни ва РР витамини 6,5 мг/100 г ни ташкил қилганлиги аниқланди. Ўсимлик қуруқ баргининг кимёвий таркиби эса қуйидагича: оксил 11,6%, мой 1,5%, ва гликозидлар 39,1% ни ташкил этиб, бу ўз навбатида $N_{50}P_{175}K_{50}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариантларда кузатилди.

8. Тадқиқотлардан олинган нисбатан юқори шартли соф даромад кўчатлар 1-15 апрель оралиғида, 60x15-1 схемада, 111,0 минг/га кўчат қолдирилиб парваришланганда (67300 минг сўм/га) ҳамда $N_{50}P_{175}K_{50}$ кг/га меъёрда қўлланилган вариант (59100 минг сўм/га) дан олиниб, рентабеллик даражаси экиш муддати ва тизими тажрибасида 50,2% ни, фосфорли ўғит билан озиклантириш тажрибасида 48,4% ни ташкил этди.

9. Наманган вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида доривор ўсимлик стевиядан юқори ва сифатли барг ҳосили олиш учун унинг кўчатларни 1-15 апрель саналари оралиғида 60x15-1 схемада экиш ва ўрта ҳисобда 111,0 минг/га кўчат қолдириб парваришлаш;

шунингдек, амал даврида стевия ўсимлигини $N_{50}P_{175}K_{50}$ кг/га меъёр ва нисбатларда (экиш олдида— $P_{100}K_{25}$ кг/га; биринчи ишловда— $N_{25}K_{25}$ кг/га ва новдалар шаклланиши фазасида $N_{25}P_{75}$ кг/га) озиклантириш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

УЛУГБОЕВ АХМАДЖОН ЁКУБЖОНОВИЧ

**РАЗРАБОТКА АГРОТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ВЫСОКИХ
УРОЖАЕВ СТЕВИИ (STEVIA REBAUDIANA BERTONI) В
ПОЧВЕННО-КЛИМАТИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ НАМАНГАНСКОЙ
ОБЛАСТИ**

06.01.08–Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за № В2021.1. PhD/Qx714.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (НИИССАВХ)

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.psuyaiti.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: Тешаев Шухрат Журакулович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Останакулов Тоштемир Эшимович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор


Рузметов Умид Исмаилович
доктор сельскохозяйственных наук, старший научных сотрудник

Ведущая организация: Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «31» мая 2023 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99871) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: rahtaуз@mail.ru


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № 145). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПИТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99871) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан «17» мая 2023 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от «17» мая 2023 года.)



Б.М.Халиков

И.О. председателя научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор




Ф.М.Хасанова

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор



Ж.Х.Ахмедов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)).

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире настоящее время повышается спрос на использование природных растительных источников, дающих сладкий вкус, не оказывающих вреда для здоровья человека. «В развитых странах мира, как США, Англии, Франции, Китае, южный Кореи, России стевии возделывается на площади 32 тысяч гектар. Самым крупным производителем считается Китайская Народная Республика, а основным потребителям является Япония»¹. В связи с большим количеством полезных элементов в составе водного раствора растительного экстракта широко используется в пищевых продуктах и фармацевтике.

В мире постоянно ведутся научные исследования по окультуриванию диких видов, интродукции, созданию новых сортов стевии, по разработке агротехнологии возделывания растения, в частности, по изучению оптимальных водных, питательных режимов, густоты стояния растения, борьбы с вредителями и болезнями, а также по размножению семян и саженцев. Повышается спрос этой лекарственной культуры в медицине и в фармацевтике.

